

Мавзу: ЕР ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ РЕЖА:

- 1.Ер ҳуқуки манбалари тушунчаси ва уларнинг
умумий тавсифи.**
- 2.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ер
ҳуқуқининг асосий манбаси .**
- 3.Ўзбекистон Республикаси қонунлари ер
ҳуқуқининг манбаси сифатида.**
- 4.Ўзбекистон Республикаси қонун ости
мезъерий хўжжатлари ер ҳуқуқининг манбаси
сифатида.**

Хозирги кунда ерга оид сиёсатини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари мураккаб тизимга эга бўлиб, ер-ҳукуқий муносабатларни тартибга солишдаги ўрнига қараб қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

- Умумий қонунлар.
- Махсус қонунлар
- Мухофаза ахамиятидаги қонунлар.

Ерга оид сиёсатни белгилашда иштирок этадиган умумий ахамиятга эга бўлган қонунлар қўйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996 йил 29 август)

-Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (1992 йил 9 декабрь)

-Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни (2004 йил 9 декабрь)

Ушбу қонунларнинг ахамияти шундаки, биринчидан, ерга оид сиёсатнинг умумий йўналишларини белгилашда хизмат қиласди, иккинчидан ерлардан фойдаланиш ва айникса уларни муҳофаза қилишда ернинг экологик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида алоҳида ахамиятга эга бўлган қоида-талабларни мустахкамлайди.

Ер хуқуқидаги махсус ахамиятдаги
Ўзбекистон Республикаси қонунлари
куйидагиларни ташқил этади:

-Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси
(1998 йил 30 апрель)
-Ўзбекистон Республикасининг
“Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуни
(1998 йил 28 август) ва бошқалар.

Ушбу қонунларда ер ресурсларини мухофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ва юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, обьект ва субъектлари, ер участкаларининг ҳуқуқий холати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуклари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва давлат хокимияти органларининг ваколатлари, ерга доир қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чоратадбирлари каби ер-ҳуқуқий қоида талаблари белгилангандир. Шунинг учун хам юқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ерга оид муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинган бўлиб, ер ҳуқуқининг маҳсус манбаси сифатида эътироф этилади.

Мухофаза ахамиятидаги Ўзбекистон
Республикасининг қонунлари
куйидагилардан иборат:
-Ўзбекистон Республикасининг
Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
(1994 йил 22 сентябрь)
-Ўзбекистон Республикасининг Жиноят
кодекси (1994 йил 22 сентябрь)

Ушбу қонун хужжатлари хам ерга доир қоида талабларни белгилаган холда ер ҳуқуқидаги махсус қоида-талаблар билан боғлиқ равища ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш, ердан фойдаланганлик учун солик ва турли тўловларни тўлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солади.